ниже пояса, степень обязательности их сохранения во время схватки, приемы: подножки, болевые, удушающие и др.) [6].

Исходя из вышеназванных признаков, распределяются они на несколько разновидностей. Особенность каждой такой разновидности борьбы обусловливается от положения и жизненного уклада воплотившего его людей, определяет национальные традиции и особенности культуры.

Спортивная борьба позволяет разрешить немало типов задач: воспитательные, образовательные и оздоровительные. Как уже отмечалось выше, хроника становления спортивной борьбы указывает на то, что всегда и у всех народов увлечение этим видом спорта помогало подготовке одаренной молодежи. Все это определило признание спортивной борьбы среди обширных слоев общества.

**Литература**


1. Указ Президента Республики Узбекистан от 15 февраля 2017 года № УП–4956 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления в области культуры и спорта».
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 05 марта 2018 года № УП–5368 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области физической культуры и спорта».
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 24 января 2020 года №УП-5924 «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан».
4. Постановление КМ РУз. от 13.02.2019 г. N 118 «Концепция развития физической культуры и массового спорта в Республике Узбекистан на период 2019-2023 годы».
5. Лесгафт П. Ф. Собрание педагогических сочинений / Ред. коллегия: Г. Г. Шахвердов (отв. ред.) и др. — М.: Физкультура и спорт, 1951—1956. Т. 1 : Руководство по физическому образованию детей школьного возраста, ч.1. — 1951. — 441.
6. Юшков О.П. Спортивная борьба / О.П.Юшков, В.И.Шпанов. -М.:Изд-во МГИУ, 2001. –С. 92.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Қорақалпоғистон республикасида спорт курашини ривожлантиришга бағишланган. Таъкидландики, спорт курашлари-ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминловчи спорт тури. Спорт кураши ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминловчи спорт турларидан биридир. Спорт курашлари билан шуғалланиш таълим, таълим ва соғламлаштириш вазифаларининг бутун мажмуасини юқори самарадорлик билан ҳал етиш имконини беради.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена вопросам развития спортивной борьбы в республике Каракалпакстан. Подчеркнута, что спортивная борьба - вид спорта, обеспечивающий гармоничное развитие подрастающего поколения. Спортивная борьба является одним из видов спорта, обеспечивающим гармоничное развитие подрастающего поколения. Занятия спортивной борьбой позволяют с высокой эффективностью решать целый комплекс воспитательных, образовательных и оздоровительных задач.

**SUMMARY**

The article is devoted to the development of sports struggle in the Republic of Karakalpakstan. It was emphasized that wrestling is a kind of sport that ensures the harmonious development of the younger generation. Wrestling classes allow to solve a whole range of educational, upbringing and health-improving tasks with high efficiency.


## UZLUKSIZ TA’LIM TIZIMIDA DIDAKTIKA RIVOJINING ASOSIY YO‘NALISHLARI


**M.X.Ibragimova** – *magistrant*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so’zlar:** uzluksiz ta’lim, tizim, didaktika, o’qitish, usul, o’qitish jarayoni, o’qituvchi, o’quvchi.
**Ключевые слова:** непрерывное образование, система, обучение, учебный процесс, учитель, ученик.
**Key words:** lifelong education, system, didactics, teaching, educational process, teacher, student.


«O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi»da «uzluksiz ta’lim tizimini yanada takomillashtirish yo’lini davom ettirish, sifatli ta’lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga muvofiq, yuqori malakali kadrlar tayyorlash» [1] belgilab berildi.

Haqiqatan ham hozirgi kunda har qanday mamlakatning jahon bozorida raqobatbardoshligi nafaqat tabiiy resurslarning mavjudligiga, balki, birinchi navbatda, zamonaviy muntazam yangilanib turadigan texnologiyalarni yaratish va o’zlashtirishga qodir bo’lgan sifatli inson kapitaliga bog’liq bo’lmoqda. Shuning uchun ta’lim sifatin oshirish muqimdir.

O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy – iqtisodiy taraqqiyotini ta’minlovchi shaxsning jamiyat va davlatning iqtisodiy, ijtimoiy, ilmiy – texnikaviy va madaniy ehtiyojlarini qondiruvchi ustivor soha.

Rivojlangan demokratik davlatlar darajasida, yuksak ma’naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadrlar tayyorlash milliy tizimini yaratish, barkamol avlodni shakllantiradi.

Inson qobiliyatlarining shakllantirilishi va rivojlantirilishi hamda uning ta’limga nisbatan turli – tuman ehtiyojlarining qondirilishi milliy va umumbashariy qadriyatlar ustivorligining ta’minlanishi, inson jamiyat va atrof – muhit o‘zaro munosabatlarini uyg‘unlashuvini amalga oshirish borasida qo‘llaniladi.

Didaktikaning asosiy vazifasi yosh avlodni ilmiy bilimlar, ko’nikma va malakalar tizimi bilan qurollantirishdan iborat. Bularni barchasi o’qituvchining ta’imiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi vazifalarni amalga oshirishdan o’z aksini topmog’i lozim. Ana shu asosdan kelib chiqib aytish mumkinki, ta’lim jarayonida o’qituvchi o’z ta`lim oluvchilariga qo’lga kiritilgan bilimlarni o’rgatadi. O’quv faoliyatida bularni ko’nikma va malakalar bilan qurollantiradi. O’qituvchining faoliyati ta’lim oluvchi shaxsning maqsadga muvofiq shakllanishiga katta immkoniyatlar ochib beradi. Yanada aniq qilib aytsak, butun o’quv jarayonini rejalashtiradi, ushbu jarayonda ta’lim oluvchi bilan birgalikdagi faoliyatni tashkil etadi.

Talim oluvchilarga qiyinchiliklarni yengib o’tishda yordam beradi. Hamda ularning bilimlarini va butun ta’lim jarayonini tashxis qiladi. O’z navbatida ta’lim oluvchilarning faoliyati o’quv jarayonida o’rganishga, bilim, ko’nikma, hamda malakalarni egallashga faoliyatga tayyorlashga yo’naltiradi. Hozirgi davrdagi didaktika rivojining asosiy yo’nalishlari:

Uzluksiz ta’lim tizimida didaktika - kadrlar tayyorlash tizimining asosi.

Umumiy o’rta ta’lim maktablarida o’qitish jarayonida didaktika ijtimoiy faol ma’naviy boy shakllanishi va yuqori malakali raqobatdosh kadrlar tayyorlash zaruriy shart-sharoitlarini yaratadi.

Umumiy o’rta (kasb hunar va oliy) talimning DTS kuyidagi tamoyillarga tayangan holda ishlab chiqiladi:

-DTS ni davlat va jamiyat talablari va shaxs extiyojiga mosligi;

-oquv dasturlari mazmunining jamiyat ijtimoiy taraqqiyoti hamda fan texnika rivojlanish bilan bog’liqligi;

-umumiy o’rta (kasb hunar va oliy) talimning boshqa

ta'lim tu'rlari va bosqichlari bilan uzluksizligi va ta'lim mazmunining uzviyligi;

-umumiy o'rta (kasb hunar va oliy) talim mazmunining insonparvarligi;

-umumiy o'rta (kasb hunar va oliy) talimning mazmuni vositalari va usullarini tanlashda innovatsiya texnologiya yutuqlariga tayanish;

-ta'lim mazmunining respublikadagi barcha xududlardagi birligi;

-pedagogik tafakkurda qaror topgan ananaviy qarashlar bilan Ta'lim tu'g'risidagi qonun va mazmunida ifodalangan zamonaviy talablarning uzviyligi ilg'or demokratik qonuniy mamlakatlarning ta'lim sohasida meyorlarni belgilash tajribalaridan milliy xususiyatlarni hisobga olgan holda foydalanish. Uzluksiz ta'lim tizmlarining barcha bo'g'inlarida ularga ahamiyat beriladi. Ta'lim jarayoni va kadrlar tayyorlash sifatiga holis baho berish tizimini yaratish va joriy etishga keng imkoniyatlar yaratiladi. Inson qobiliyatlarining shakllantirilishi va rivojlantirilishi hamda uning ta'limga nisbatan tu'rli tuman ehtiyojlarining qondirilishi milliy va umumbashariy qadriyatlar ustuvorligining ta'minlanishi, inson jamiyat va atrof muhit o'zaro munosabatlarini uyg'unlashuvini amalga oshirish borasida qo'llaniladi. Didaktik vositalar va tarqatma materiallar fanni o'qitishda zarur bo'lgan jihozlar, kompyuterli vositalar modellar va anketalar ko'rgazma va texnik vositalardir.

Talimning mazmunidagi ajratilgan to'rt komponent xajmi va mazmuni bo'yicha aynan muvofik bo'lishi kerak. Maktab rivojlanishning hozirgi bosqichida talimning kompyuterlashtirish masalasi g'oyat muhim ahamiyat kasb etadi.

Ta'lim nazariyasidan muammoli kamol toptiruvchi o'qitishni joriy etish, shuningdek o'quv jarayonini tabaqalashtirish va individuallashtirish yullarini izlash bo'yicha faol ishlar olib borilmoqda.

Har bir oqituvchi shuni anglab etishi muhimki, o'quv jarayonini samarali qurish-bu, ishda o'zini oqlagan pedagogik qonuniyatlar, qoidalar, didaktik qoidalarni hozirgi zamon sharoitidagi yangi masalalarni hal qilishda ijodiy foydalangan holda, ulardan butunlay va o'zaro aloqada foydalanish demakdir.

O'qitishning muqobil tomonlarini tanlash uchun butun qonuniyatlar birligini va didaktik qoidalarni etiborga olish zarur.

O'qitish qonuniyatlaridan uni samarali tashkil qilishga nisbatan muayyan muhim talablar kelib chiqadiki, buni o'qitish qoidalari deb ataydilar. O'qitish qoidalarini bilish o'qitishning zarur usullarini yanada ishonchliroq tanlashga imkon beradi.

Buning uchun esa o'quv jarayonining texnologiyasini ishlab chiqish kerak. Didaktikada tarbiyalovchi dunyoqarashni shakllantirish masalalari ko'riladi, ta'lim jarayonida o'quvchilarda mustaqillikni, tashabbuskorlikni va shaxsning boshqa ayrim sifatlarini tarbiyalash vazifalari tahlil qilinadi. Mana shunday muhim masalalarning ko'rib chiqilishi maktabdagi ta'lim-tarbiyaning birligini ta'minlashga xizmat qiladi. O'qitish negizi yuksak axloqli qilib kamol toptirishdan iborat. Ana shunday harakatlarda o'qishga da'vat qilish, o'qituvchi bilan o'quvchilarning o'zaro munosabatlari va ta'limning metodlari masalalari boshqacha tus oladi.

Shunday qilib didaktikada o'qitish metodi, o'qituvchi va o'quvchilarga nazariy hamda amaliy bilish faoliyatining ta`limiy vazifalarini bajarishga qaratilgan yo'ldir. Unga quyidagi muayyan talablar qo'yiladi:

1. O'quv materialini o'rganishning o'qituvchi tavsiya etgan yo'li fikrlashning dialektik – materialistlik usuli, mustaqil qarashlar, irodaviy xususiyatlari va xulqning shakllanishiga olib borishi kerak.

2. O'qitish metodining ilmiy asosi yaqqol va aniq bo'lishi zarur. Shundagina o'qituvchi mazkur metod orqali qanday masalalar qo'yilishi va hal qilinishi mumkinligini, qanday masalalarni hal qilib bo'lmasligini ko'ra oladi.

3. O'qitishning tizimliligi uning samaradorligini belgilaydi.

4. O'qitish metodining tushunarliligi: o'qitishning yo'li o'quvchi uchun qabul qilinishi va qollanishi, o'quv materialini o'rganishning usuli esa bilimlarni o'zlashtirishning imkoniyatlariga muvofiq bo'lishi lozim.

5. O'qitishning onglilik va faollik zaruriyati nihoyatda jiddiy talabdir.

6. Bilimlarning puxtaliligi va asosliligi.

7. O'qitish metodikasi nazariy va amaliy hodisalarning muvofiqligi.

Har qanday metoddan biror maqsadga erishish ko'zda tutiladi va shuning uchun u qandaydir maqsad qo'yishni, unga erishish bo'yicha faoliyat usulini, ana shu faoliyatni amalga oshirishda yordam beradigan vositalarni bilishni taqoza etadi. Har qanday faoliyat uning obyektini talab qiladi. Nihoyat, metod maqsadga olib borishi kerak, aks holda, u qo'yilgan maqsad uchun yaroqsizligini yoki bu holatda uning umuman noto'g'ri qo'llanganini e'tirof etish lozim.

Shunday qilib, didaktikada har qanday metod uni qo'llashdan ko'zlanadigan maqsadni, shu maqsadni amalga oshirish faoliyatini va faoliyatni bajarish vositalarni talab qiladi.

**Adabiyotlar**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясиситўғрисида»ги Фармонни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда; 20-сон, 354-модда; 23-сон, 448-модда.

2. Mavlyanova R.A., Voxidova N., Raxmonqulova N. Pedagogika nazariyasi va tarixi. – T.: «Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi», 2010, 230-b

3. Mavlyanova R.A. Pedagogika. –T.: «O'qituvchi», – 2006, 86-b.

**REZYUME**

Maqolada uzluksiz ta`lim tizimida didaktika, didaktikaning asosiy vazifasi, didaktikada o`qitish metodi, didaktik vositalar, o'qitish metodikasi, ko'nikma va malakalar, o'qituvchi va o'quvchilarga nazariy hamda amaliy bilish faoliyati haqida fikr yuritilib, tahlil qilingan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается и анализируется дидактика в системе непрерывного образования, основные задачи дидактики, методы обучения в дидактике, дидактический инструментарий, методы обучения, навыки и умения, теоретическая и практическая учебная деятельность учителей и учащихся.

**SUMMARY**

The article discusses and analyzes didactics in the system of continuing education, the main tasks of didactics, teaching methods in didactics, didactic tools, teaching methods, skills and abilities, theoretical and practical learning activities for teachers and students.

# ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ ПЕДАГОГИКАСЫНДА БАЛАЛАРДЫҢ ОЙЛАЎЫН ЖЕТИЛИСТИРИЎДЕ ЖУМБАҚЛАРДЫҢ ӘҲМИЙЕТИ

**Л.А.Ибрагимова –** *ассистент оқытыўшы*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** халқ педагогикаси, мантиқий фикрлаш, топқирлик, топишмоқ, тарбия.
**Ключевые слова:** народная педагогика, логическое мышление, находчивость, загадка, воспитание.
**Key words:** folk pedagogy, logical thinking, resourcefulness, riddle, upbringing.

Қарақалпақ халқында жумбақ өзине тән өзгешеликлерге ийе балаларды тәрбиялаў қуралының бири болып есапланады. Жумбақ өзиниң этимологиялық мазмунында ‘жум’ ҳәм ‘бақ’ деген еки сөзден қуралған түрки тиллес халықларда көпшилик жағдайларда усы атамада айтылады. Жумбақ халық педагогикасындағы балалардың логикалық ойлаўшылығын жетилистириўдеги ойлап табылған баҳалы усыллардың бири. Бунда жаслардың пикирлеўшилигин, излениўшеңлигин, тапқырлығын тәмийинлеўши көп ғана илажлар нәзерде тутылған. Усы жумбақларда балаларды тест сораўларына жуўап қайтартыўдың тәкирарланбайтуғын усыллары гезлеседи. Ҳәзирги ўақыттағы тест сораўлары деп атырған нәрсе бул халық педагогикасында күтә ерте дәўирлерден-ақ өзине тән түрде пайдаланылып келингенлиги мәлим. Мысалы, халық арасында балалар бир-бирине төмендегидей жумбақ сораўлар берип жуўап қайтарысады.

Бизден бир шымшық қашты
Нешик ?
Қулағы қырық жеринен тесик.
Неше улы, неше қызы бар?
Еки улы, үш қызы бар, ерли- зайып екеўи [1]

Мине усы жумбақ ойында балалар өзлериниң таныс-билислериниң, досларының, аўылласлары менен ағайын туўысқанларының, шаңарақ ағзаларының қанша жан болып жасап атырғанлығын, улы нешеў, қызы нешеў, ата-анасы кимлер екенлигин ойлап излеп табады.

Жоқарыдағы келтирилген «неше улы, неше қызы бар» -деген сораўға гейде «еки улы, үш қызы бар, ҳәм ерли зайып» деп айтыўы мүмкин. Буннан соң жумбақтың шешимин табатуғын бала аўылласларынан кимниң үйинде еки улы, үш қызы ҳәм ата-анасы бар екенлигин ойлап, излеп, барлық шаңарақлардың адамларының ағзаларын көзден өткерип шығады. Нәтийжеде еки улы, үш қызы ҳәм ата-анасы бар шаңарақты таўып, бул өзимиздиң Байжан ағаның үйи-ғой, ямаса Сейтжан ағаның үйи-ғой- деп жуўап қайтарып, жумбақты шешкен болып есапланады. Кейиннен жумбақты шешкен бала усы жоқарыда айтылған сөзлерди тәкирарлап, неше улы, неше қызы бар деген сораўға өзи билетуғын шаңарақларының ул-қызларының санын айтады. Санға қарап ол бала кимниң үйи екенин ойлап табыўы керек. Ойын усы барыста даўам ете береди.

Бул ойын барысында балалардың тест тақылеттеги сораўға жуўабы берилип, бул арқалы балалар өзлериниң досларының, жақын жуўық аўылласларының аға-инилери, ата-аналары ким екенлигин, шаңарағында қанша ағзалары бар екенлигин, олардың бир-биринен үлкен-кишилигин билип барады ҳәм өз аўылының турмысын терең түсиниўге ериседи. Аўылласларының шаңарақ өзгешеликлерин, турмыс тиришилигин үйренеди. Ақыбетинде аўыл аймағы жөнинде мағлыўматлар ийелеп, етекли ел болып жасаў, аўызбиршиликли өмир сүриў сезимлерин қәлиплестирип отырады.

Сондай-ақ, жаслардың ақыл түсинигин, ойлаў дәрежесин жетилистириўде халық жумбақларының тәбият қубылысларын, ондағы ҳайўанатлар тиришилигиниң өзине тәнликлерин табыў бойынша да түрлери жийи ушырасады. Зат ҳәм қубылыслардың айырым белгилерин түсиндириў, көрсетип бериў жәрдеминде пүтинниң бөлегин баянлаў арқалы сол нәрсени синтезлеп анықлаўды үйретип отырған. Мысалы, халық арасында

Бир шенеўли, бир шенеўсиз,
Бир белдеўли, бир белдеўсиз,
Бир аўнамас, бир гүйсемес,
Бир путсыз, бир сүтсиз [1].

-деген жумбақ бар. Бунда бала яки қыз «бир шенеўли, бир шенеўсиз» сөзиниң мәнисине ой жуўыртқанда, шенеп қойылған яғный айналасы шегараланылған зат не нәрсе, ал шенеўсизи не болыўы мүмкин деп ойланады. Жумбақ айтыўшы бала менен оны шешиўши ортасында абстракт түриндеги белгилерин баянлаў орын алады. Ең соңында «шенеўлиси-жер, шенеўсизи-аспан» деп ҳәммеге қабыл алынған дурыс шешимин табыўы тийис. Усы арқалы жердиң дөңгелеклигин, шеги бар шекленгенлигин, ал аспан әлеминиң шексизлигин түсинип жаратылыс қубылысларын өзлестирип барыўға, тәбият ҳаққындағы билимлерин байытыўға ериседи. Соң жумбақтың жуўабын излеў даўам етилип, «бир белдеўли, бир белдеўсиз», нәрсеге ой жуўыртылады. Жуўмағында қара үйдиң белдеўи болатуғынлығын, ал гөштиң, еттиң белдеўи болмайтуғынын табыўы мақсет етиледи. Ал, «аўнамас-тасбақа, гүйсемес-жылан, путсыз-балық, сүтсиз-қус» екенлигин ойлап табыўы нәтийжесинде тасбақа, жылан, балық ҳәм қустың тиришилигиниң өзине тәнликлерин билип алыўға, балалардың зоологиялық түсиниклериниң байып, жетилисип барыўына еристирген. Айырым нәрселердиң дүньяда тәкрарланбайтуғын өзине тән айырмашылығы болатуғынын, бул өзгешелик жалғыз сол нәрседе ғана гезлесетуғын (мысалы: тасбақаның аўнамайтуғыны) қубылыслар екенлигин билиўи арқалы жаслар турмыслық тәжирийбелерин байытып барған.

Таллаў жасап отырсақ, халық педагогикасында ерте дәўирлерден-ақ жаслардың логикалық ойлаўшылығын, ақыл-түсинигин, тапқырлығын арттырыў мақсетинде жумбақлардың көплеп дөретилгенлигин, әсиресе тәбият қубылысларын, ҳайўанатлар тиришилигин, адамлар турмысын, өсимликлер дүньясын, күнделикли услап тутылыўшы буйымлар жөнинде есапсыз жумбақлар бар екенлигин байқаймыз.

Булардың барлығы ҳәзирги дәўирдеги тест усылларындағы балалардың ойлаў операцияларын жетилистириў илажларының түп-төркини, келип шығыўы халық педагогикасында ерте дәўирден-ақ қәлиплескенлигин көрсетеди. Тәрбияның қайсы түри болмасын халық педагогикасы дәстүрлерине байланыслылығын, ҳәзирги тестлер бурынғы жумбақ усылының раўажланған түри екенлигине жуўмақ жасағымыз келеди. Буларды балалардың логикалық ойлаўшылығын жетилистириўде ҳәзирги мектеп турмысында кең пайдаланыўымыз зәрүр.

**Әдебиятлар**

1. Алымов Ә. Қарақалпақ халық жумбақлары. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1990.
2. Ахметов С., Есенов Ж., Жәримбетов Қ. Әдебияттаныў атамаларының орысша-қарақалпақша түсиндирме сөзлиги. -Нөкис: «Билим», 1994.
3. Абазов С., Алымов Ә. Жумбақлар. -Нөкис: ҚҚМБ, 1963.
4. Қурбанбаев И. Қарақалпақ балалар әдебияты. -Нөкис: «Билим», 1992.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада қорақалпоқ халқ педагогикасида кичик ёшдаги болаларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда топишмоқларнинг аҳамияти ва ёшларнинг фикрлаш қобилиятини, изланувчанлигини, топқирлигини оширишда топишмоқларнинг ўрни ҳақида сўз боради.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается роль загадок в развитии логического мышления детей раннего возраста в каракалпакской народной педагогике и роль загадок в развитии мышления, любознательности и изобретательности подрастающего поколения.

**SUMMARY**

The article examines the role of riddles in the development of logical thinking of children in the Karakalpak folk pedagogy and the role of riddles in the development of thinking, curiosity and inventiveness of young generation.

# ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЛАЖАК КАСБИЙ МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Т.Жалиев** – *тадқиқотчи*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** ижтимоий фаол фуқаролик компетентлиги, муваффақият кўрсаткичлари ва омиллари, билим, кўникма, малака, касбий фаолиятнинг муваффақияти, фаолиятнинг қадрият асослари, муваффақиятга эришиш стратегиялари.

**Ключевые слова:** социально активная гражданская компетентность, показатели и факторы успешности, знания, умения, навыки, успешность профессиональной деятельности, ценностная основа деятельности, стратегии достижения успеха.

**Key words:** socially active civic competence, indicators and factors of success, knowledge, skills, qualification, success of professional activity, value basis of activity, strategies for achieving success.

Замонавий шароитларда ижтимоий фаол фуқаролик компетентлиги инсоннинг бутун ҳаёт йўлини белгилайди: жамиятга қўшилиш, бандлик имкониятлари, касбий фаолият муваффақияти ва бошқалар, кўплаб тадқиқотлар ижтимоий фаол фуқаролик компетентлиги касбий компетентликнинг таркибий қисми эканлигини аниқлади. Бизнинг таърифимизга кўра, «мутахассиснинг ижтимоий фаол фуқаролик компетентлиги – раҳбарлар билан ижрочилар ролида ва ижрочи билан раҳбар ролида ўзаро муносабатларида унинг қобилиятлари, билимлари, кўникмалари ва самарали ўзаро таъсир қобилиятлари мавжудлиги; жамоада нормал ижтимоий-психологик иқлимни шакллантириш ва сақлаб қолиш қобилияти».

Ҳар қандай соҳада одамлар билан ишлайдиган профессионал ижтимоий муносабатлар тизимига киритилади ва у бунга қанчалик яхши тайёрланса, унинг касбий фаолияти шунчалик муваффақиятли бўлади. Шундай қилиб, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси касбий маҳоратнинг энг муҳим шартларидан бирига айланади ва мутахассиснинг мураккаб характеристикаси бўлиб, касбий фаолиятда унинг муваффақиятини таъминловчи ижтимоий ва коммуникатив қобилиятларнинг ривожланиш даражасини акс эттиради.

Р.Гарольд мутахассиснинг ижтимоий фаол фуқаролик компетентлиги учун зарур бўлган бир қатор қобилиятларни ажратади. Булар лидерлик сифатлари, ўзаро таъсир қобилияти, зиддиятларни бартараф этиш, ҳамкорлик билан шуғулланиш ва ижтимоий фаолиятдир [6].

Тадқиқотчиларнинг фикрларини таҳлил қилиш (А.А.Деркач, Ю.И.Емельянов, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, Г.И.Марасанов, А.К.Маркова ва бошқалар) ижтимоий фаол фуқаролик компетентлиги профессионал тушунчасини бирлаштирадиган ажралмас интегратив шахсий таълим, ҳаракат учун қўлланма сифатида ҳаётнинг турли соҳаларида профессионал билим, ўз-ўзини аниқлаш қобилияти, ижтимоий технологияларни амалга ошириш қобилияти эканлигини кўрсатади.

Замонавий олий таълим муассасининг (ОТМ) муҳим вазифаси ижтимоий етук, фаол шахсни тарбиялашдир. Таълим тизимини белгиловчи асосий ҳужжат «Таълим тўғрисида»ги қонундир. Унинг янги таҳририда биринчи марта тарбия биринчи ўринга қўйилади ва таълим-тарбия ишлари ўқув дастурлари мазмуни орқали ҳам, дарсдан ташқари вақт давомида ҳам таълим жараёнида амалга оширилиши лозимлиги тартибга солинади.

ОТМда ўқув жараёнининг органик қисми сифатида дарсдан ташқари ишларнинг муҳим аҳамияти ҳам назарий тадқиқотлар, ҳам эмпирик кузатишлар орқали асослаб берилади.

Ўқитувчилар таълим жараёни ўқув жараёнига тенг эмаслигини таъкидлайдилар. У талабаларнинг дарсдан ташқари вақтлардаги ижтимоий ва ижодий фаолиятини ҳамда ОТМдаги кундалик ҳаётининг амалиётини ўз ичига олади. Агар асосий касбий компетенцияларни шакллантириш таълим мақсадлари сифатида қаралса, бу мақсадларга нафақат академик фанларни ўрганишда, балки ОТМ ҳаётини ташкил этишнинг ўзи ҳам эришилишини назарда тутиш лозим. Шунинг учун ҳам ОТМ фаолиятининг энг муҳим тамойили талабаларнинг ижтимоий ва касбий компетенцияларини ривожлантириш мақсадида ўқув ва дарсдан ташқари машғулотларни синтез қилувчи ягона ижтимоий-маданий муҳитни қуришдир [1:59].

ОТМда дарсдан ташқари ишларда ижтимоий фаол фуқаролик компетентлигини самарали шакллантириш учун қуйидаги тамойиллардан фойдаланиш лозим:

- талабанинг муҳим ижтимоий фаолиятга қўшилиши;
- референт гуруҳ учун талабанинг ҳаракатлари натижаларини намойиш этиш;
- талабанинг ижтимоий ролини ўзгартириш;
- етакчи мотивацияни ҳисобга олиш;
- муҳим шахснинг талаба шахсига таъсири [2:23].

ОТМда дарсдан ташқари ишларнинг асосий вазифалари:

1) талабаларнинг ахлоқий, маънавий ва маданий қадриятлари, эҳтиёжлари, жамиятда ахлоқий меъёр ва хулқ-атвор қоидаларини шакллантириш;

2) талабаларнинг фуқаролик позицияси ва ватанпарварлик онгини, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантириш;

3) самарали касбий фаолият учун зарур бўлган шахсий сифатларни шакллантириш;

4) талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришнинг турли шаклларидан фойдаланиб, жамоани бошқариш кўникма ва малакаларини кучайтириш;

5) талаба шахсини ўз-ўзини аниқлаш, ўз-ўзини тасдиқлаш ва ўз-ўзини англашга кўмаклашувчи ижодий, ақлий, маданий мулоқот муҳитини яратиш.

Сўнгги йилларда талабалар билан дарсдан ташқари ишларнинг муҳим йўналиши талабаларни жамоат фаолиятига жалб этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлиб қолди. Ижтимоий иш талабаларнинг фаол ҳаётий позициясини рағбатлан-тиради ва фаол ижтимоий фуқаролик компетенциянинг шаклланиши ва ривожланиши учун оптимал шароит яратади [4:76].

Узоқ муддатли кузатишлар дарсдан ташқари ишларнинг фаол иштирокчиларининг натижалари шундан далолат берадики, улар жамоат ишларида